



201200, Peshko' tumani,
A.Temur ko' chasi, 5

Tel: 33-25-57, факс: 353-15-56
E-mail: i.peshku@sud.uz

ул. А.Темур, д. 5
Пешку, 201200

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 20 октябрь Пешку тумани 4-2005-2201/ [REDACTED] сонли иш

Пешку туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Кушшаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сатторов котиблигида аризачи [REDACTED] ининг жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишини аризачи вакили З.Равшанов (2022 йил 17 январдаги 22-02329-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида Пешку туман давлат солиқ инспекцияси биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

[REDACTED] (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар « [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан 4 568 303,82 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 1 август ҳолатида тақдим қилинган муддати ўтган қарздорликлар тўғрисидаги ҳамда ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотларига асосан жавобгарнинг хориждаги ҳамкори “PERCY MARTIN LIMITED” (Niderlandiya) билан 8 450,37 Евро миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келган, қарздорлик 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган.

Жавобгарнинг 8 450,37 Евро миқдоридаги дебитор қарздорлигининг 5 фоизи – 422,52 Евронинг миллий валютадаги курси бўйича 4 568 303,82 сўм миқдоридаги молиявий жаримани тўлаб бериш ҳақида жамиятга 2022 йил 24 августда 22-63109-сонли талабнома юборилган.



Аммо, ҳисобланган молиявий жарима жавобгар томонидан ихтиёрий тўланмаганлиги ва дебитор қарздорлик бартараф этилмаганлиги сабабли аризачи судга ариза билан мурожаат қилган ва жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишда иштирок этувчи шахсларга аризани иш юритишга қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим нусхаси почта бўлими орқали гибрид хизмати орқали қўйилган. Жавобгарга ажрим нусхаси етказилганлигини тасдиқловчи қўйилган хабарномаси иш ҳужжатларида мавжуд.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсада суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади. Ариза юзасидан ўз эътирозларини судга тақдим қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 220-моддасининг биринчи қисмига кўра суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекста белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ушбу қонун нормасини қўллаб, суд муҳокамасини жавобгар вакилининг иштироксиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризани қувватлаб, жавобгар суд мажлиси кунига қадар ҳам дебитор қарздорликни бартараф этмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни ва жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўллашни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи шахс аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми (бундан буён матнда “Низом” деб юритилади)нинг 23-бандига кўра Товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур Низомнинг 27-бандига кўра ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини) пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24-1-



бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун — 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар деб белгиланган.

Мазкур импорт контракти бўйича жами 8 450,37 евролик товарлар божхонада “эркин муомала учун чиқариш” режимига расмийлаштируви амалга оширилмасдан 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган.

Арз қилинган талаб асосли бўлганлиги, жавобгар томонидан товарларни “эркин муомала учун чиқариш” режимига расмийлаштириш кечиктирилганлиги иш ҳужжатлари билан тўлиқ тасдиқланганлиги сабабли суд, аризани қаноатлантиришни, 4 568 303,82 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни лозим топади.

Низом 28-бандининг ўнинчи ва ўнбиринчи қимсларига кўра молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг **90 календарь кун ичида** аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари **бўйича тўлиқ миқдорда активлар репатриация қилиниши таъминланган тақдирда** — иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади.

Бунда ундирилган маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади. Агар, ундирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси депозит ҳисобварағида сақланаётган бўлса, Мажбурий ижро бюроси томонидан қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар иқтисодий судларда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

ИПК 116-моддасининг биринчи қисмига кўра суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалока режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

Суд, суд харажатларини ундириш қисмини муҳокама қилиб, аризачи ва жавобгар иқтисодий судларда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш



тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, давлат божини ундирмасликни, аризачи фойдасига жавобгар ҳисобидан 24 000 почта харажати ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 220, 222-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р и PDF а д и :

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 4 568 303,82 сўм молиявий жарима қўлланилсин ва уни ундириш Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклатилсин.

Жавобгар « [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан аризачи [REDACTED] фойдасига олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кун ўтгач қонуний кучга кириши эътироф этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач хулоса қисмининг учинчи қисми бўйича ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят иқтисодий судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.Кушшаев

